
Боғчалар 1 августдан босқичма-босқич очилади

Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Коронавирусга қарши кураш махсус комиссияси қарорига кўра, болалар соғлиғи, хавфсизлиги бўйича барча чораларни таъминлаш ва санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши учун барча шароитларни яратиш мақсадида, «яшил» ва «сарик» ҳудудлардаги мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) ўз фаолиятини 2020 йил 1 августдан тиклашни маълум қилади.

Ушбу жараён Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган жадвалга кўра, босқичма-босқич амалга оширилади.

Давлат МТТларининг Республика махсус комиссияси томонидан илгари эълон қилинган сана 15 июндан эмас, балки 1 августдан очилаётганлигига сабаб, МТТ фаолияти тикланганидан сўнг унинг тарбияланувчилари ва ходимлари хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш учун қатор чораларни кўриш билан боғлиқ.

http://t.me/toshloq_axborot_xizmati

2020-06-18 19:30:25